ТЕРИМ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 159 (8149). ● 23 август, 1983 йил ⊙ СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТНИНГ КИШИЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚУНДАЛИК ҒАМХЎРЛИГИГА ЖАВОБАН 1983 ЙИЛДА ЗИММАГА ОЛИНГАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲАР БИР БРИГАДА, БЎЛИМ, ҚОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ҲАМДА КОРХОНА СУЗ-СИЗ БАЖАРИШИГА ЭРИШМОҚ КЕРАК.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг моддий-техника базасини, колхоз ва совхозларнинг 1983 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга шай қилиб қўйиш қандай бораётганлиги ҳақида»ги қароридан).

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

К. МАРКС номли колхоз деҳқонлари Тошкент районида биринчи бўлиб сабзавот тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Хўжаликда сабзавот маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Масалан, бу йил 8690 тонна сабзавот, 2874 тонна картошка, 430,8 тонна мева етиштирилди.

Коллективнинг умумий ютуғига Ж. Раҳбаров, Ф. Мирзаъзамов, А. Узоқов сингари тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилаётган юқори ҳосилли бригадалар қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди. Шунингдек, колхозда гўшт етиштириш ва давлатга сотиш йиллик топшириғи ҳам муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди.

Хўжалик далаларида пешма-пеш пишиб етилаётган сабзавот ва мева ҳосилини териб давлатга топшириш қизғин давом этяпти. Деҳқонлар мавжуд ҳосил чўғини чамалаб кўриб, мавсум охиригача давлатга яна 1000 тонна картошка, 3500 тонна сабзавот, 200 тонна мева ва 100 минг дона лимон топширишга қарор қилдилар.

ҒЎЗА МАШИНАБОП БЎЛИБ ЎСМОҚДА

Бекободлик мусобақадошлар Чиноз районида бўлганларида 45—50 центнер учун курашаётган ўнлаб бригадаларда пахта ҳосили мажбуриятга яраша бўлаётганлигини қайд қилишди. Шу жумладан Навоий номли колхознинг Ашур Ниёзов бошлиқ бригадаси далаларида мўл ҳосил етиштирилаётганлигидан мамнун бўлишди. Бу бригадада ҳосилга ҳосил қўшиш, ғўзани зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш ишлари обн-тобида ўтказилмоқда.

Қўш Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ашур Ниёзов шу кеча-кундузда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилади.

— Ҳар йилнинг ўз ҳусусияти бўлганидек, бу йил ҳам мўл пахта ҳосили етиштириш осон бўлмаяпти. Айниқса, кўкламда чигитни ундириб олиш машаққати ҳали-ҳали кўз олдимиздан кетмайди. Уруғни тупроқнинг намига ундириб олиш ниятида экишни эртароқ бошладик. Лекин аксига олиб, ўша куни ҳаво қаттиқ қизиб кетди. Бир неча ҳафта мобайнида бирор томчи ёмғир ёғмади.

Чигит суви берилдими, деҳқоннинг иши кўпайиб кетди, деяверинг. Аммо бошқа илож йўқ эди. Бригадамиз аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам ягона билан шуғулланиб, ҳам бениҳоя авж олиб кетган бегона ўтларга қарши уюшқоқлик билан кураш олиб бордилар. Дастлабки кунларданоқ парваришни ҳам кучайтириб, ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши учун бор имкониятлар ишга солинди.

Ҳозиргача ғўза қатор ораларига олти марта комплекс ишлов берилди, беш марта суғорилди. Ҳар гектар ерга камида 110—115 минг туп ғўза кўчати бор. Ҳар тупда камида 10 тадан бўлиқ кўсакка эга бўлдик. Кўсаклар сони 12—15 тага етгунга қадар парваришни давом эттирилади.

Сув зар, сувчи заргар, деб бежиз айтилмаган. Баъзан шундай бўладики, ғўза бир марта суғорилгандан кейин карталарда экин пастбаланд бўлиб қолиши мумкин. Агар карталарнинг баъзи жойи кўлатиб қўйилса, ёхуд баъзи жойларига сув чиқмай қолса ана шундай аҳвол содир бўлади. Бунда анчагина ҳосил қўлдан беради. Йўлдош Абдураҳмонов, Ғулом Маматқулов, Ғани Валиев, Мухтор Холдоров ва бошқа тажрибали сувчиларимиз ҳар бир эгатни синчиклаб кўздан кечириб, картанинг бир меъёрда қониб сув ичишини таъминлайдилар. Бекободлик пахтакорларнинг вакиллари бригадамизда бўлганларида шу 107 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси бир текис мўл ҳосилга кирганлигидан ҳурсанд бўлишди. Ишни бўшаштирмай, парваришни давом эттирсангиз мажбуриятда белгиланган ҳосилни оласиз, деб ишонч билдиришди.

Техникани деҳқоннинг қаноти, деб ҳозир ҳамма тан олади. Дарҳақиқат, техникасиз биз 107 гектар ердаги ғўзани шу даражада яхши парвариш қилолмаган бўлардик. Мана ҳозир ҳам Отабек Нуришев, Ҳудойбой Сафарбоевлар бошқараётган агрегатлар ҳали пахтазорни тарк этгани йўқ. Сувдан чиққан карталарда ғўза қатор оралари пешма-пеш юмшатилмоқда. Айни кунларда иккита пахта териш машинаси теримга тахт қилиб қўйилган. Шу машиналарни ҳам О. Нуришев ва Ҳ. Сафарбоевларнинг ўзлари бошқаришади. Ўтган йили 450 тонна пахта машинада терилган эди. Бу умумий ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғини ташкил этади. Бу йил ҳам ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирдик.

План бўйича 482 тонна пахта топширишимиз керак. Бу гектар ҳисобига салкам 40 центнерданга тўғри келади. Биз эса 50 центнерни мўлжаллаяпмиз. Бригададаги бутун ишни шунга яраша ташкил қиляпмиз. Ҳозир ғўзаларимиздаги ҳосил чўғи биз кўзлаган маррани эгаллашга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Пахтачилик бригадаларида ёрдамчи хўжалик ташкил қилинишига келганда шуни айтиш керакки, бу жуда фойдали ва хайрли ишдир. Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Зардоб тармоқини ривожлантириш учун умумхалқ кураши бошланиб кетди. Биз пахтачилик бригадасининг аъзолари ҳам бу курашдан четда турмаслигимиз керак. Мен ўйлайманки, ҳар бир пахтачилик бригадаси дала шийпонлари олдида сабзавот ва мева етиштириши, чорва молларини асраб, ўзлари таъмин этишлари ҳамда молларни бўрдоқига боқиб, давлатга гўшт етиштириб бериши ҳам мумкин.

Биз бригадамизда бу ишларни тўғри йўлга қўйдик. Дала шийпонц олдидаги мевали дарахтлар соя-салқин бериши билан бирга бригада аъзоларининг дастурхонини тўкин қиляпти. Унинг ёнидаги кичик бир майдончага сабзавот ва полиз маҳсулотлари экилган. Чорва моллар ҳам асраяпмиз. Бунинг натижасида бригадамизда иссиқ овқат учун маҳсулот ҳамиша ўзимиздан чиқади.

Колхозимиздаги 12 та бригаданинг ҳаммасида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Ўринбой Акрамов бошлиқ 11-бригадада эса аъзоларни тушлик иссиқ овқат билан бепул таъмин этиляпти. Улар ёрдамчи хўжаликни биздан сал илгарироқ бошлашган эди. Биз ҳам, колхознинг бошқа бригадалари ҳам ана шунга интиляпмиз.

Колхозимизнинг барча бригадаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика пахта саноати министрлиги корхоналарининг моддий-техника базасини, колхоз ва совхозларни 1983 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга шай қилиб қўйиш қандай бораётганлиги тўғрисида»ги қарорини катта қизиқиш билан кутиб олдилар ва ўрганиб чиқмоқдалар. Ишни ана шу қарор асосида ташкил этиб, катта мавсум — пахта йиғим-теримига ҳамма нарсани, техникадан тортиб хирмон жойгача, йўл-кўприкларни тузатишдан тортиб шу мавсумда фойдаланиладиган барча воситаларни тахт қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ғўза парваришини асло бўшаштирмаган ҳолда ҳосилнинг тез пишиб етилиши учун зарур чора-тадбирларни кўриш, бунинг учун агрегатларнинг ҳамиша қатор ораларига ишлов беришни таъмин этиш, ғўзаларни машина теримига тайёрлаш учун бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиш жуда муҳимдир. Ҳозир агрегатлар ғўза қатор ораларида ишлаб турса, ғўзаларга шамол тегиб, уларнинг пишиши тезлашади, машина терими соз ўтади.

А. НИЁЗОВ,
Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• Ҳар бир колхоз ва совхоз, бригада, звенода ғўзанинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда парвариш ишларини давом эттиринг. Айни пайтда йиғим-теримга тайёргарликни кучайтиринг. • *Ҳамма ерда терим машиналари тажрибали механик-ҳайдовчилар билан таъминлансин. Уларни техникадан фойдаланишнинг энг мақбул ва унумли усулларига ўргатайлик.* • ДАЛАЛАРНИ МАШИНА ТЕРИМИГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНГ. • Юқори сортли пахта етиштириш учун ҳар бир қишлоқ хўжалик меҳнаткаши, раҳбар ходимлар, мутахассисларнинг масъулияти оширилсин. • *Терим даври учун белгиланган мусобақа шартлари дала меҳнаткашлари ва механизаторларга ҳамда тайёрлов ходимларига кенг тушунтириб берилсин.*

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БАХТ

(ЛАВҲА)

АВГУСТ тонгининг шабадаси қўнғир тус ола бошлаган кўсакларни, шудрингдан биллур исирға таққан ғўза барглариии оҳиста тебратмоқда. Ҳар кунги одатича тонг билан даласига етиб келган Жумали ака бу манзарага тикилар экан, пахтазорни хаёлан бағриб туганмас бойликни яшириб ётган ложувард денгизга қиёслади. У энгашиб, бир туп ғўзадаги кўсакларни санади. Ўн иккита. Кўнгли тўлиб, майин жилмайиб қўйди. Беихтиёр хаёллар уни олисларга етаклади.

...Мана, шунга ҳам ўттиз беш йилдан ошибди. Уруш эндигина тугаган, хўжаликларда ишчи кучи ва механизмлар етишмас эди. Ўттинчи синфни тамомлаган Жумали тўғри далага ишга келди. Аввал тракторчига шогирд тушди. Кейинчалик ўзи мустақил ишлай бошлади. Иш оғир эди. Баъзан куни билан далада қолиб кетишга тўғри келарди. Кўрналган пайтларида отасининг сўзларини ёдга олиб, таскин топади. «Ўғлим, — дерди у, — шуни унутмагинки, ер ҳалол, иродали деҳқонни, қийинчиликдан чўчимай ишлаган кишини ёқтиради. Ҳалол меҳнат қил, матонатли бўл. Шунда мақсадингга эришасан, обрў топасан».

Жумали ака ўттиз йиллик механизаторлик фаолиятида она ер бағридан нозик ниҳоллар бош кўтариб, дастлабки шоналар, сўнг гул ва кўсаклар пайдо бўлишини такрор ва такрор кўрса-да, ҳар сафар тўлқинланиб кетади. Яшнаб турган ғўзалар, оппоқ очилган лўппи пахталарни етиштиришда ўзининг ҳам меҳнати борлигидан фахрланиб қўяди.

Етмишинчи йилларнинг охирларида бригадада ҳосилдорлик пасайиб кета бошлади. 1978 йилги натижа кўпчиликни ташвишга солиб қўйди. Ахир колхоздаги бошқа бригадаларда 40—43 центнерга етказиб хирмон кўтарилаётган бир пайтда 3-бригадада гектаридан бор-йўғи 25 центнердан пахта олинганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Бу ҳол Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Нима қилиш керак? Узоқ тортишув ва фикрмулоҳазалардан кейин янги бригадир тайинлашга қарор қилишди. Чунки аввалги бригадир ташкилотчилик ва раҳбарлик ишларини кўнгилдагидек олиб бормаётганди.

Коллективга суяги меҳнатда қотган, бригада механизатори Жумали Чихалидзе бригадир қилиб тайинланди. Ўшанда колхоз раиси Қозоқбой Соттибоев шундай деган эди: «Мен Жумали акани яхши биламан. Ўз ишининг устаси, виждони пок, меҳнатсевар инсон. Бу киши албатта кўпчиликнинг ишончини оқлайди».

Раис адашмаганди. Янги раҳбар ишни одамлар қалбига йўл топишдан бошлади. У бригададаги тажрибали пахтакорлар билан маслаҳатлашди. Мўл ҳосил учун кураш кузданоқ бошлаб юборилди. Ер яхшилаб шудгор қилинди. Қиш бўйи маҳаллий ўғитга тўйдирилди. Кичик карталар йириклаштирилди. Чигит оби-тобида экилди. Баҳор ва ёз ойларида ғўзага сифатли ишлов берилди. Кузда қилинган меҳнатлар ўз самарасини кўрсатди. Ҳар гектар ердан 38 центнердан аъло сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Даромад ҳам ошди. Ҳар бир кишининг ўртача йиллик иш ҳақи бир йилда 2,5 минг сўмга кўпайди. Бу янги раҳбарнинг кўп йиллик тажрибаси, қунт билан эгаллаган деҳқончилик илми, қолаверса, ҳалол меҳнати натижаси эди.

Мана, беш йилдирки, Ж. Чихалидзе бошлиқ пахтакорлар мунтазам план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келишмоқда. Бригада коллективи ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳар қачонгидан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун иш бошладилар. 91 гектар ерга «Тошкент-1» навли чигит экилди. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келишига қарамай барча тадбирлар юксак сифатли бажарилди. Заршунослар парвариш даврида маҳаллий ўғитдан, айниқса, самарали фойдаланишди. Культивация ва суғориш ишлари системали олиб борилди. Ҳар гектар ерда ўртача 110—113 минг туп пахта бўлиқ кўчат сақлаб қолинган.

— «Тошкент-1» навли пахта ўзига хос, — дейди бригада бошлиғи. — Агар у сув талаб қилганда ўз вақтида бермасангиз, кейин югурганингиз бефойда. Чунки ҳосилнинг асосий қисми нобуд бўлди деяверинг. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси буни жуда яхши билади.

Бригадада суғориш группа усулида олиб борилмоқда. Коллективнинг Ш. Ғафуров, И. Шомуродов, М. Аслонов, С. Аҳмедов сингари миришкорлари кунтун далада бўлиб, оби-ҳаёт тарашяпти. Механизаторлар Маҳоддин Чихалидзе ва Нуриддин Пўлатовлар ўз вақтида сифатли культивация қилиб, бошқаларга ибрат кўрсатишмоқда.

Яқинда Жумали ака бошлиқ пахтакорлар ҳосил чўғини чамалаб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш уларнинг эзгу ниятн.

Жумали Чихалидзелар оиласини пахтакорлар оиласи дейишади. «От ўрнини той босар» деганларидек Жумали аканинг ўғиллари Маҳоддин ва Сейфаддин колхозда механизаторлик қилишмоқда. Низомиддин бригадада отаси билан ёнма-ён пахта сирларини ўрганяпти. Келини Нозли ҳам шу коллективда меҳнат қилади.

Бригадада дала меҳнаткашлари учун маданий-маиший шароитлар ҳам кўнгилдагидек. Баҳаво ерга жойлашган дала шийпонида деҳқонларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар бор. Сувчилар ва механизаторларнинг дам олиш хоналари мажуд. Радио, телевизор, холодильник, шахмат-шашкалар улар хизматида. Кундалик матбуот, келтириб турилади. Коллективнинг «кичик ферма»сида 2 та сигир боқилмоқда. Уларнинг сутидан заршунослар баҳраманд бўлишяпти. Шийпон атрофига помидор, бодринг, картошка каби сабзавот ва резаворлар экилган.

Шу кунларда сўзи билан иши бир деҳқонларнинг пахтазорларида бўлган кишининг баҳри-дили яйрайди. Кенг пайкаллардаги бўлиқ ғўзалар белга уради. Ҳозир уларнинг ҳар бирида 10—12 тадан кўсак санаш мумкин. Ҳадемай бу далалар яшил либосини ечиб, оппоқ тўнга бурканади. «Оқ олтин»нинг бир граммини ҳам нобуд қилмай Ватанга топширган деҳқон, бахтдан кўзлари яшнаб, ҳосил тўйига йўл олади. Шаҳдам одим отаётганлар орасида она заминда жавоҳир етиштираётган, ҳалол меҳнатидан бахт топган захматкашлардан бири Жумали Чихалидзе ҳам бўлади, албатта...

А. ТИЛОВОВ.



Бўка районидаги «Бўка» совхози 1-бўлимининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Мария Ковалева бошчилик қилаётган 5-бригадаси заршуносларн ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун кураш олиб боришяпти. Айни кунларда далаларда ғўзаларга ишлов бериш билан бирга ликда суғориш ишлари юксак сифатли олиб борилмоқда. Коллектив сувчиси Усмонали Эгамёров мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У ғўзаларга ўз вақтида сув тараб ҳосилга-ҳосил қўшаётир.

В. Портнов фотоси.

ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ—ҲАЁТ МАКТАБИ

ЁШЛАРНИ ЭРГАШТИРАЙЛИК

Шу кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда байрам. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов Кремлда Ленин партиясининг ветеранлари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқи бизни беҳад тўлқинлантирди. Бу нутқда ўринбосарларимиз барча мураббийлари ва тарбиячилари учун бутун бир иш программаси баён этилган.

Мен бир неча ўн йилдан буён Бекобод районидаги Ленин номли колхозда бригадир бўлиб ишлайман, пахта етиштираман. Шу давр ичида деҳқонларнинг ҳаёти ва меҳнати тубдан ўзгариб кетди. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли далаларимизда комплекс механизация тобора кенг қўлланилмоқда, ирригация ривожланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш имконини бермоқда. Даромаднинг ўсганлиги барча меҳнатчиларнинг фаровонлигига ижобий таъсир ўтказмоқда. Лекин ҳозирча бизда ҳамма иш силлиқ бораяпти, деб бўлмайди. Масалан, колхозимизда баъзи ёшлар меҳнат интизомини бузишади, ўз маҳоратини ошириш тўғрисида қайғуришмайди. Мана шундай колхозчиларга тўғри йўлни танлаб олишда кўмаклашиш — коммунистларнинг бурчидир. Ҳар биримиз аввало ёшларнинг мураббийси бўлишимиз, ўз ўртоқларимизни шахсий ибратимиз билан меҳнатда энг юқори натижаларга эришишга руҳлантиришимиз лозим.

Ўртоқ Ю. В. Андропов нинг партия ветеранлари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқи билан таништганимдан кейин янада яхшироқ унумлироқ ишлагим келади.

А. РЎЗМАТОВА,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

УМРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ҚАДРЛИ

Мени заводнинг ветеран ишчиси деб атайдилар — ўйлайманки бу ўринлидир. Заводимизда кейинги йилларда қанчадан-қанча ўзгаришлар содир бўлганлигини, меҳнат шароити қанчалик яхшиланганлигини, коллективнинг маиший эҳтиёжлари тўғрисида кўп ғамхўрлик қилинаётганлигини, ишлар яхши ташкил этилаётганлигини мен ҳам, бошқа ветеранлар ҳам кўриб турибмиз.

Бошқача майлдаги баъзи ёшлар ҳали кўп нарсанинг фарқига етмай туриб, ғоят катта талаблар қўядилар. Чунки ўз мураббийлари бўлган бизлар кўрган ва бошимиздан кечирган қисмат нималигини улар билишмайди. Мен ветеран сифатида ёш ишчи фақат ўзига нисбатан эмас, ҳар биримизга нисбатан ҳам юксак талаб қўйиладиган муҳитга кириб келиши учун шароит яратишни ўз бурчим деб биламан. Бу — юксак уюшқоқлик, аниқ-пухта, оқилона ва қувончли меҳнат вазияти бўлсин. Чунки инсонни сўзимиздан кўра ишларимиз кўпроқ тарбиялайди, соат сайин, дақиқа сайин тарбиялайди. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида шу ҳақда ҳам жуда яхши айтилган.

Шунинг учун ҳам биз коммунистлар ва мураббийлар ҳал этилмаган проблемаларга ленинчасига диққат-эътибор бериб ва бу ишга касбдош ўртоқларимизни — катталарни ҳам, ёшларни ҳам жалб этиб, шу проблемаларни ҳал қилишда намуна кўрсатишни ўзимизнинг энг асосий бурчимиз деб биламиз. Заводимиз қолоқ бўлмаса ҳам, бизда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Масалан, ишга кеч қолиш ҳолларига қарши курашяпмиз, лекин темирчилар етказиб бераётган ҳаддан ташқари қўпол заготовкалар кўп вақтни олмоқда. Прогулчиларни танқид қиламизу, бироқ ишга ўз вақтида келганлар баъзан иш кутиб қоладилар. Бригадамиз электр моторларни зардоб суръатлар билан ремонт қилади. Сўнгра эса уни ўз вақтида топшира олмайди. Шу тўғрими? Бундай нуқсонларни бартараф этмай туриб, ишлаб чиқаришни яхшилашга ва ишчи ўринбосарларни тарбиялашга ҳисса қўшиб бўлмайди.

Ҳар бир онгли ишчи партиянинг ҳамма жойда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги йўл-йўриқларини қизғин маъқуллаб, бу ғоят муҳим вазифани ҳал этиш учун қўлидан келган ишларни қилишга тайёр.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи слесарлар бригадири.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «...партиянинг ҳар бир ветерани, ҳар бир меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлиши керак» деган сўзлари айнан бизнинг ҳам дилимиздаги гаплардир. Ҳақиқатан ҳар биримиз яшаб ёки ишлаб турган жойлардаги йигит-қизларнинг кундалик ишлари, орзу-умидлари билан ўртоқлашишимиз мумкин.

Ҳар бир қишлоқ ёки шаҳардаги ветеранлар Советлари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари ёшлар тарбиясига жиддий бош қўшишлари даркор. Менимча фойдали ва оқилона кўрсатма, маслаҳатларни ёшларимиз тўғри тушунишади. Ветеранларнинг бой тажрибасини ўғил-қизларимизга сингдириб бориш умумхалқ ишига, улуғ мамлакатимизнинг куч-қудратини янада юксалтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

Р. ТОШМАТОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Паркент районидаги Калинин номли колхоз.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районида** (район партия комитетининг секретари Ҳайдуров, район ижроия комитетининг раиси Айдарқулов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Эшматов, район комсомол комитетининг секретари Оқилов, район агросаноат бирлашмаси советининг раиси Саидкаримов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Жуманов ўртоқлар) қолдирилди. Бу районда давлатга сабзавотни турлари бўйича сотиш йиллик плани 33 процент, картошка сотиш плани 100 процент, мева сотиш плани 103 процент бажарилган ҳамда август ойининг биринчи ярмида сабзавот тайёрлашда йиллик планга нисбатан 10,7 процент, картошка тайёрлашда 17,9 процент, мева тайёрлашда 42,5 процент ўсишга эришилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Калинин районидаги «Москва совхозига (директори Валиев, партия комитетининг секретари Тўлаганов, касаба союз комитетининг раиси Тўрабоев, комсомол комитетининг секретари Бойзоқов, бош агрономи Комилжонов ўртоқлар). Бу совхозда давлатга сабзавотни турлари бўйича сотиш йиллик плани 85,2 процент, картошка сотиш плани 155,7 процент бажарилган ҳамда август ойининг биринчи ярмида сабзавот тайёрлашда йиллик планга нисбатан 22,2 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозидан олиб берилди.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга (раиси Абдухолиқов, партия комитетининг секретари Абдуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси Тожибоев, комсомол комитетининг секретари Тостонбеков, бош агрономи Қурбонов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга сабзавотни тури бўйича сотиш йиллик плани 59,6 процент, картошка сотиш плани 127,3 процент, мева сотиш плани 35,6 процент бажарилган ҳамда август ойининг биринчи ярмида давлатга сабзавот сотишда йиллик планга нисбатан 18,6 процент, картошка сотишда 21,5 процент, мева сотишда 17,6 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоздан олиб берилди.

Область план бўлимига, ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Калинин районидаги «Москва» совхозига ва Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

(ПАРТИЯ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДА ЎҚУВ ИШИ ЛИ БОШЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг материалларини ўрганиш давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган программавий нутқи коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ю. В. Андроповнинг нутқида, К. У. Черненконинг докладида, Пленумнинг бошқа ҳужжатларида баён этилган идеологик ишни янада такомиллаштириш вазифалари ва йўлларини коммунистларнинг чуқур билиб олишини таъминлаш мақсадида партия маорифи системасида ўқув йилини «Идеологик иш — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши» деган мавзудаги машғулот билан бошлаш тавсия этилади. Машғулотнинг қуйидаги намунавий плани таклиф этилади.

Идеологик иш — коммунистик қурилишнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида идеологик ишнинг роли ўсиб бораётганлиги тўғрисида.

Партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда идеологик ишнинг аҳамияти. Идеологик иш — халқнинг ижодий ғайрат-шижоатини социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун, беш йиллик планни бажариш, меҳнат ва жамоат интизомини мустаҳкамлаш учун сафарбар қилишнинг қудратли воситаси.

Халқаро вазиятнинг ғоят кескинлашганлиги ва бир-бирига тамомила қарама-қарши турган икки дунёқарашнинг, икки сиёсий йўл — социализм билан империализмнинг ўзаро кураши. Социализмнинг муваффақиятлари, устунликлари ва афзалликларини, унинг тинчликсеварлик сиёсатини пропаганда қилишга, империализмнинг сохта, қўпорувчилик пропагандаси ва халққа душман сиёсатини фош қилишга, совет кишиларини юксак сиёсий ҳушёрлик ва замонамизнинг актуал проблемаларига синфий ёндашиш руҳида, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан мурosасизлик руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлиги. Социалистик турмуш тарзининг қарор топиши ва ривожланиши.

Идеологик ишни ҳар бир партия ташкилотининг фаолиятида биринчи ўринга қўйиш.

Бошланғич партия ташкилотларининг идеологик ишини такомиллаштириш. Бошланғич партия ташкилотлари — меҳнат коллективининг етакчи кучи ва сиёсий ўзаги. Социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, меҳнат маданиятини юксалтиришда, уюшқоқликни ва онгли интизомни мустаҳкамлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш. Ю. В. Андропов экономикани янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳамда идеологик ишни социал жиҳатдан таъминлаш зарурлиги тўғрисида. Идеология ишида расмиятчилик ва бир қолипда иш кўришни бартараф қилишда коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий онгини шакллантириш учун оммавий ахборот, пропаганда ва маориф воситаларидан комплекс фойдаланишда бошланғич партия ташкилотининг, партия группасининг роли.

Юксак ғоявий-назарий савия, конкретлик, ҳужумкорлик, ҳаёт билан боғланиш — идеологик, оммавий-сиёсий иш самарадорлигини оширишнинг зарур шарти, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга доимо эътибор бериш. Кишилар билан ишлашда партия ва меҳнат ветеранларининг бой тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш.

Партия ташкилотлари омманинг партия сиёсатини яхши тушунишига, бу сиёсатни халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз сиёсати деб билишига эришиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Коммунист — партиянинг сиёсий жангчиси. Коммунистик ғоялар учун актив курашчи коммунистнинг шахсий хислатларига нисбатан қўйилаётган талабларнинг ортиб бораётганлиги, ўз коллективида меҳнат ва ахлоқий иқлимнинг ҳолати учун коммунист зиммасидаги шахсий жавобгарликнинг ўсиб бораётганлиги.

Марксча-ленинча назарияни чуқур эгаллаш, ўзининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш — коммунистнинг уставда белгиланган вазифасидир. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, партия ташкилотларининг идеологик ишида ҳар бир коммунистнинг актив иштирок қилиши зарур эканлиги. Уларнинг ҳар бирида сиёсий-тарбиявий ишнинг амалий малакаларини шакллантириш. Ёш коммунистларни ғоявий чиниқтириш.

Коммунистнинг, хусусан раҳбар коммунистнинг ахлоқий намуна кўрсатиш кучи. Коммунистнинг ишга муносабати, унинг ҳаётдаги феъл-атвори кишиларнинг қарашлари ва кайфиятларига кўрсатадиган таъсири. Коммунистлар сиёсий онглилик, меҳнат активлиги намуналарини кўрсатишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини бажариш, меҳнаткашлар ўртасида партиянинг ғоялари ва сиёсатини тинимсиз тушунтириш, уларни турмушга татбиқ этиш учун кураш ҳар бир коммунистнинг кундалик ишидир.

* * *

Партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари машғулотларни ғоявий жиҳатдан юксак савияда, партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолияти билан маҳкам боғлаб ўтказишда пропагандистларга зарур ёрдам беришлари керак. Мавзуни ўрганиш коммунистларнинг июнь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни чуқурроқ англаб олишларига, бу вазифаларни амалга оширишга ҳиссасини билиб олишларига, ҳар бир партия ташкилотида кишиларнинг сиёсий онги ва меҳнат ғайратини ривожлантириш соҳасида қандай ишларни бажариш зарурлигини тўла-тўкис тушунишларига кўмаклашувидир.

АДАБИЁТ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил 14—15 июндаги Пленуми материаллари.— Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1983.

Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида. СССР Қонуни.— «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 19 июнь.

Социалистик интизомни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни кучайтириш тўғрисида. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарори.— «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 7 август.

Ю. В. Андропов. Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари.— «Ўзбекистон коммунисти» журнали, 1983 йил, 3-сон, 5—17 бетлар.

Ю. В. Андропов. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув вақтида сўзланган нутқ.— «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 16 август.

К. У. Черненко. Коммунистлар партиясининг авангардлик роли. Бу ролни ўстиришнинг муҳим шарти.— «Коммунист» журнали, 1982 йил, 6-сон, 25—43-бетлар.

М. В. Зимянин. Революцион ҳаракат партияси.— М., Сиёсий адабиёт нашриёти, 1983.

ХУШХАБАРЛАР

ҚУТЛОВ

СССР рангли металлургия министри П. Ломако, металлургия саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети раиси И. Костюков имзоси билан келган телеграмма бутун коллективга катта қувонч бахш этди. Унда 13-цехнинг Минигул Идрисова бошлиқ бригадаси министрлик корхоналари бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб деб топилганлиги маълум қилинган эди.

Бригада аҳли неча йиллардан бери Ўзбекистон қатиқ қотишмали ва иссиққа чидамли металлар комбинати бўйлаб ўтказилаётган мусобақада ғолибликни қўлдан бермай келаётган эди. Мана энди коллектив номи бутун Иттифоққа ҳам ёйилди. Бригада аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар биринчи кўрсаткичдаёқ қабул қилиб олинмоқда. Ишчиларнинг ҳар бири ўз тамғасига эга. Ускуналардан фойдаланиш коэффициенти ҳам бу ерда юқори даражададир. Октябрь Революцияси ордени кавалери А. Қурбонова, Чирчиқ шаҳар партия комитети аъзоси З. И. Дёмина каби илғорлар коллектив эришаётган ютуқларга алоҳида кўп ҳисса қўшмоқдалар.

Телеграмма келган куни корхонада байрам бўлиб кетди. Қўшни участкаларнинг ишчилари бригада коллективини ғолиб бўлганлиги билан қизғин қутладилар, уларга янги муваффақиятлар тиладилар. Коллектив шу кеча кундузда 8 ойлик планни бажариш арафасида турибди.

ЎТТИЗ МИНГИНЧИ ТУРБОМАШИНА

«Ўзбекхиммаш» заводи бош конвейеридан ўттиз мингинчи турбомашина олинди.

Юбилей машинасини йиғиш шарафига Д. Ғофуров бошлиқ илғор коллектив сазовор бўлди. Шу куни улар ўзгача руҳ, ўзгача масъулият билан ишлашди. Қисмлар ниҳоят сифатли қилиб йиғилди. Машина корпусига давлат Сифат белгиси туширилди.

Бош конвейердан тушган ўттиз мингинчи машина Новосибирск иссиқлик электр станциясига жўнатилди.

Ж. НОСИРОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАЙОНЛАРИНИНГ ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

КИРОВ РАЙОНИ

БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГ

М. КАМОЛОВА,
район партия комитетининг биринчи секретари

Районимиз ташкил топганига ҳадемай 50 йил тўлади. Дастлабки пайтларда бу ерда саноат корхоналари, давлат, турар-жой фонди деярли бўлмаганди. Фақат бир неча мактаб, медицина муассасаси, маиший хизмат шохобчалари бўлган, холос.

Эндиликда кировликлар фахрланса арзийдиган ютуқлар анчагина. Районда кўплаб саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, илмий-текшириш институтлари, конструкторлик бюролари, олий махсус таълим ўқув юртлари, бошқа қатор муассасалар мавжуд. Улар партия ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ва таъсири остида фаолият кўрсатмоқдалар.

Коммунистлар ҳар соҳада иш боши бўлмоқдалар. Меҳнат коллективлари унумдорликни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, иш сифати ва самарасини ўстириш бўйича Тошкентнинг 2 минг йиллигига бағишлаб уюштирилган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида кишиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга эътибор кучаймоқда.

Районда ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 процент ортди, пландан ташқари 6,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Таннархни пасайтириш топшириқлари ҳам мунтазам бажарилмоқда. 1983 йилнинг ўтган даври ҳам қувончли бўлди.

Пойтахт тўйига тайёргарлик жараёнида район қиёфаси тамомила ўзгариб кетди. 162 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Барча қулайликларга эга бўлган 400 минг квадрат метр саҳнли турар-жойлар, 860 ўринли болалар боғчалари, 7056 ўринли бешта мактаб, савдо, маиший хизмат шохобчалари фойдаланишга топширилди. Юнусобод турар-жой массиви қурилиши жадал давом эттириляпти. «Узмежколхозпроект» институтининг лаборатория корпуси, коллектив суръатда фойдаланиладиган ҳисоблаш маркази, автомобиль транспортининг диспетчерлик маркази бинолари район архитектура ансамблига янгича мазмун кашф этди. Шаҳримизнинг катта тўйигача радио-телевизион миноранинг монтажи ниҳоясига етади. Энгельс кўчаси билан Революция хиёбони туташган чорраҳада рангли, музикали фонтан ишга тушади.

Байрам арафасида меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудрати формаси янада кенг қулоч ёйди. Ана шу усулда ишлаб юксак кўрсаткичларга эришаётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номидаги тикувчилик бирлашмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, 11-«Висотстрой», «Строймеханизация» трестлари, 2515-автоколонна меҳнат коллективларининг бой тажрибалари оммалаштирилмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планини юбилейга қадар бажариш мажбуриятини олган ишчилар орасида «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Флюра Полтаева, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ғулом Холматов, 11-«Висотстрой» трести комплекс бригадасининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев каби коммунистлар бор.

Ташкилий, хўжалик ишларимиз планларининг бажарилиши дуруст. Лекин партия биздан айни пайтда идеология ишини юксак даражага кўтариш, кишиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни янада яхшилашни ҳам талаб қилмоқда. Баркамол инсонни тарбиялаш ишини ҳозир партия талаблари бўйича ташкил этмоқдамиз. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам тариқасида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларини янада кучайтириш соҳасидаги вазифаларга бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Унда идеология соҳасида олиб бориладиган ишларнинг энг қулай, самарали йўллари ҳақида фикрлашиб олдик. Айниқса, сиёсий ўқув самараларини ошириш ҳақида фойдали гаплар кўп бўлди.

Район коммунистлари партия маорифи ва иқтисодий таълим системасини такомиллаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Кейинги пайтда машғулотларнинг мазмуни яхшиланди, уларнинг ғоявий, назарий савияси ошди. Эндиликда партия маорифи ва иқтисодий таълим системасида 38 мингдан зиёд киши шуғулланмоқда.

Биз турар-жойлардаги аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлиш мақсадида учрашувларнинг «Очиқ хатлар куни» формасидан самарали фойдаланяпмиз. Маҳаллаларда, кварталларда жамоатчилик советларининг фаолиятини активлаштириш тадбирларини белгиляпмиз.

Пойтахт юбилейига қизғин тайёргарлик кўраётган эканмиз, биз бошланғич партия ташкилотларининг асосий эътиборини хўжалик вазифаларини идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар билан бирга қўшиб олиб боришга қаратамиз. Бу тадбирлар иқтисодий ва тарбиявий соҳадаги вазифаларнинг комплекс тарзда ҳал этилишига ёрдам беради.

НУР ВА ҲАРОРАТ ТАРАЛАДИ

Корхонамиз ремонтчилари юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, етти ойлик план топшириқларини шараф билан адо этдилар. Шу вақт ичида пландагидан анча кўп ремонт ишлари бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент, товар маҳсулотининг ўсиш суръати 20 процентга ошди.

Меҳнатни илмий ташкил этиш, янги техникани қўллаш яхши самаралар бераяпти. Статор ғалтакларини алмаштириш учун мўлжалланган мослама, аргон-ёйли пайвандлаш қурилмаси ва бошқа жиҳозларни ишлаб чиқаришда қўлланиш натижасида 57 минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Биз пойтахт юбилейига қадар яна қўшимча равишда 50 минг сўмлик кичик механизация воситалари, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарамиз. Тошкент иссиқлик марказининг биринчи қозонини гидравлик синовдан ўтказишни бошлаб юборамиз. Тошкент ГРЭСи 8-энергоблокида ремонт ишларини ниҳоясига етказамиз. Шу билан бир қаторда республикамиздаги ва Иттифоқимиз шаҳар — қишлоқларидаги иссиқлик электр станцияларида ҳам ана шундай муҳим ишларни жадал суратларда олиб борамиз.

М. МИРАҲМЕДОВ,
«Центразэнергоремонт» корхонасининг слесари.



Район Коммунистик партия ва совет давлат органининг атоқли арбоби С. М. Киров номи билан аталади.

Суратда: С. М. Киров ҳайкалга ўрнатилган ҳайкал.

ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТЛАРИМИЗ

Коллективимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири юбилей объектларини қўтарма кранлар, ер қазувчи, пресслочи ва тикисловчи механизмлар билан мунтазам равишда таъминлаб туришдир. Ишчиларимиз бу ишни аъло даражада бажариб, «Дўстлик» турар-жой комплекси,— «Главпочтамт», «Узмежколхозпроект» институтининг янги биноларини тез муддатларда соз топшириқларини муносиб ҳисса қўшдилар.

Бугунги кунгача Тошкент телеминораси қурилишида 450 минг кубометр тупроқ қазиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, районимиз марказий кўчаларини ободонлаштириш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти.


Ана шундай қувончли муваффақиятларга эришишда коллективимиз ишчи-хизматчилари ўртасида социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу меҳнат беллашувида 950 га яқин коммунистик меҳнат зарбдори фаол иштирок этмоқда. Йиллик планни шаҳар юбилейигача бажаришга аҳд қилган У. Икромов, А. Горбатков, А. Шчевель сингари меҳнатсеварларнинг ташаббуси билан 2 та механизация бошқармаси, 8 та участка ишчилари зиммаларидаги саккиз ойлик план топшириқларини бажариш арафасида турибдилар.

Навбатдаги иш режаларимиз яна ҳам катта. Сентябрь ойигача бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 550 квад. рат метрга яқин турар-жой, ҳар бири 1200 ўқувчига мўлжалланган 4 та мактаб қурилишини ниҳоясига етказиб, фойдаланишга топширишимиз лозим. Ваъдамизнинг устидан чиқиб, шаҳримиз тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз.

Р. ЭШЖОНОВ,
«Строймеханизация» трести экскаваторчиси.



Кўп қаватли маъмурий бино қад ростлаган бу майдон районнинг энг гўзал ва кўркам жойларидан ҳисобланади.



Райондаги кўп профилли болалар касалхонаси бўлим бошлиғи А. Борохов ҳамкасблари билан бемор саломатлигини тиклаш ҳақида суҳбатлашмоқда.

В. Портнов фотолари.

СЎЗ — РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРГА

ЧИҚИНДИДАН БУЮМЛАР

Бирлашмамизда мастерлар Павел Фокин ва Борис Крицларни меҳнатсевар, изланувчан новаторлар сифатида беҳад ҳурмат қилишлари бежиз эмас. «Бир қарич газлама ҳам чиқиндига чиқмаслиги лозим» деган шиор остида иш юритаётган бу илғорларнинг хайрли ташаббуси замирида чиқинди лахтаклардан тўла фойдаланиш мақсади мужассамлашган. Бу йил уларнинг таклифи билан кримплен газламаси чиқиндиларидан қўғирчоқлар учун шим ва хўжалик сумкалари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бир қарашда бу янгилик самараси арзимасдек туюлади. Чунки йил давомида буюмларнинг биридан 650 сўм, иккинчисидан эса 280 сўм фойда олинади. Лекин бирлашма бўйича чиқиндиларни қайта ишлаш бир ойда 12—14 минг сўм ҳажмида соф фойда олиш имконини бермоқда.

Корхонамиз новаторларининг ижодий изланишлари туфайли материаллардан фойдаланиш проценти ва кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бормоқда.

М. РВАЧЕВА,
Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Заводимизда илғор асбобсозлар билан бир қаторда юзга яқин рационализаторлар ҳам меҳнат қилишади. Участка бошлиғи В. Кохтин, инженер Э. Рамазонов, слесарь А. Варавинлар ана шундай изланувчан кишилар жумласидандир. Ўтган йили улар томонидан меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича 70 дан зиёд таклифлар киритилди. Улар 45 минг сўмлик иқтисодий самара берди.

Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, бу таклифларнинг олтитасини мен киритган эдим. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши 2 минг сўмлик иқтисодий самара келтирди.

Ижодий муваффақият кишини эзгуликка ундайди. Мен бу йил дўстларим билан маслаҳатлашиб, рационализаторлик таклифларидан олинаётган маблағни Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдим. Бу ташаббусимни заводимиздаги кўплаб кишилар қўллаб-қувватлашмоқда. Бу йил ишлаб чиқаришга жорий қилинган 32 та таклифнинг фойдаси Тинчлик фондига ўтказилди.

П. ТРИАНДОФИЛИДИ,
Тошкент асбобсозлик заводи ишчиси.

РАЙОН МАШЪАЛЛАРИ



Ҳамидулла НОСИРОВ,
Тошкент асбобсозлик заводининг тажрибали слесари.



Турсунбой АКРАМОВ,
«Строймеханизация» трестининг илғор бульдозерчиси.



Ғулом ХОЛМАТОВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчиси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

□ Район саноат корхоналарида шу кеча-кундузда 17 хил буюм фахрли беш қирра — давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Уларнинг 15 тури кенг истеъмол молларидир.

□ Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш ҳажми районда 41 процентга ошди. Шу давр ичида янгидан 79 хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Эндиликда юздан зиёд номда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

□ Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган кўплаб саноат маҳсулотлари чет мамлакатлар буюртмаларига мувофиқ тайёрланмоқда. Жумладан, Тошкент асбобсозлик заводи маҳсулотларни 40 дан ортиқ мамлакатга жўнатиляпти.

□ Район территориясида 3 та олий ўқув юрти, 1 та техникум, 5 та ҳунар-техника билим юртн ва 30 та мактаб ишлаб турибди. Мактабларда 30 минг ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 1700 дан ортиқ ўқитувчи сабоқ бермоқда. Мавжуд 75 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасаларида 15 мингга яқин кичкинтойлар тарбияланмоқда.

□ Район ишчилари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига катта оталиқ ёрдами кўрсатишяпти. Шу кунларда кировликлар Калинин районидаги Ю. Гагарин номли совхозда, Жиззах областининг Зарбдор районида қорвачилик комплекслари қурилишида, Зомин районида эса «Чилонзор» совхозини бунёд этишда актив қатнашмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

ПАХТА йиғим-терими мавсуми яқинлашмоқда. Пахтазорларда мўл ҳосил тўплаш учун кураш давом этяпти. Сабзаворкорлар ва картошкакорлар, боғбон ва соҳибкорлар эса дала ва боғларда пишиб етилган ҳосилни жадал суръатлар билан йиғиштириб олиб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун қизғин курашмоқдалар. Маккажўхоракорлар дон ҳосилини ўриб-йиғиб олишга киришдилар. Канопга ҳам ўроқ тушди. Хуллас, далаларда йиғим-терим ишлари авжига чиқаяпти. Бундай шароитда меҳнаткашларнинг иккинчи уйга айланиб қолган дала шийпонлари роли янада ошади, албатта.

Яқинда Тошкент область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда «Ташкентская правда», ва «Тошкент ҳақиқати» область газеталари редакциялари Оққўрғон, Бўка, Пискент ва Бўстонлиқ районлари дала шийпонларида кузги йиғим-терим мавсумига тайёргарлик, маданий-маиший хизмат ҳамда оммавий-сиёсий ишларни уюштириш, социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини таъминлаш ишлари қандай бораётганлигини текшириш мақсадида рейд ўтказдилар.

НАМУНАЛИ дала шийпони — бу меҳнаткашларнинг ҳам овқатланиб, ҳам мириқиб ҳордиқ чиқарадиган масканидир. Бу ердаги қизил бурчакларда лекторларнинг, сиёсий ахборотчиларнинг қизиқарли суҳбатларини тинглаб, шахмат-шашка ўйнаб, журналларнинг янги сонларини варақлаб ва телевизор кўрсатувларини томоша қилиб, маданий дам олинади. Шунингдек, дала шийпонлари навбатдаги вазифалар белгилаб олинадиган, ишчи кучлари тақсимланадиган, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинадиган оператив штаб вазифасини ҳам ўтайди. Қишлоқ хўжалик ишлари қизғин авж олган кезларда маданий-маиший хизмат, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар маркази ҳам ана шу дала шийпонларига кўчирилади.

Район ва бошланғич партия ташкилотлари, совет ва касаба союз органлари, область муассасалари, хўжалик раҳбарлари бу борада бирмунча ишларни амалга оширдилар. Улар дала шийпонларини мебеллар, ошхона инвентарлари ва идиш-товоқлар, полослар ва махсус буюмлар билан, кутубхона, газета ҳамда журналлар билан таъминлаш хусусида қайғурдилар. Қизил бурчакларни, социалистик мусобақа экранини безаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид кўплаб босма нашрлар чиқарилмоқдаки, улардан дала шийпонларида кенг фойдаланиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда қишлоқ меҳнаткаши далада ҳам ўзини уйдагидек сезиши, доимий ғамхўрликни ҳис этиб туриши учун ҳар бир хўжаликда етарли имкониятлар мавжуддир.

Буларнинг ҳаммасидан хўжаликларда қандай хулоса чиқариш мумкин? Биринчи навбатда дала шийпонларида бригада аъзоларининг дам олишлари ва овқатланишлари, улар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш учун бу ерда мавжуд бўлган барча имкониятлардан янада яхшироқ фойдаланиш тўғрисида қайғуриш лозим.

Деҳқонларнинг ҳақиқатан ҳам иккинчи уйларига айланиб қолган шинам дала шийпонлари ҳар бир районда топилади. Улар қуюқ соя ташлаб турадиган дарахтлар орасида жойлашган. Ҳаммаёқ тоза, саранжом-сариштa. Томорқаларида сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мевалар сероб. Кўпчилиги эса ёрдамчи чорвачилик хўжалигига эга.

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозининг 9-бригадаси дала шийпони ҳам кишида яхши таассурот қолдиради. Бу ерда тангадек жойга офтоб тушмайди, ҳавоси тоза, салқин. Дам олиш хонасига ҳаво совутгич ўрнатилган. Холодильник ва телефон ишлаб турипти.

Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг 2-бригадаси дала шийпони ҳам колхозчиларнинг севимли масканига айланган. Озодаликка қатъий риоя қилинади. Бригада бошлиғи К. Серкибоевнинг одамлар ҳақида чинакамига қайғуриши сезилиб турибди. У бригада аъзоларини фақат мазали тушлик таом билан эмас, қизиқарли хушхабарлар билан хушнуд этишга ҳаракат қилади. Масалан, бир варақ қоғозга фломастер билан сўнгги янгиликни қайд этиб, кўринарли жойга осиб қўйди. Сўнгра бригада аъзолари Х. Оразимбетовани катта меҳнат ғалабаси билан табриклай бошладилар. Бу агитатор дала ишларида ҳам актив қатнашиб, 7754 килограмм помидор теришди ва топшириқни 250 процент қилиб бажарибди.

Агар ҳар бир дала шийпонидаги агитатор ана шундай ғайрат билан меҳнат қилса, унинг обрўси ошаверади, бригада аъзолари уни ҳурмат қиладиган ва сўзини эътибор билан тинглайдиган бўлишади.

Бўка районининг хўжаликларида бошқа пахтачилик районларида бўлганидек, ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашни давом эттириш билан бирга йиғим-терим мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш юзасидан белгиланаётган тадбирларда дала шийпонларини намунали жиҳозлаш, у ерда оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса, «Ленин йўли», «Партия XI съезди» колхозларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

«Ленин йўли» колхози правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари дала шийпонларини безатиш юзасидан мунтазам кўрик-конкурслар ўтказиб туради. Мустафо Музаффаров бошлиқ 5-бригада навбатдаги конкурс ғолиби бўлиб, рангли телевизор билан мукофотланди. Қалин дарахтлар оғушидаги дала шийпони салқин, озода. Бригаданинг тушлик овқати учун зарур бўладиган барча масаллиқ ўзларидан чиқади. Хозирча фақат гўштнинг килограмми уч сўмдан тушяпти. Келгуси йилдан бошлаб у ҳам текин бўлади. Ёрдамчи хўжаликдаги қўйлар сони 12 тага етди. Соғин сигир бўлганлиги учун сут, қатиқ ҳам сероб.

«Партия XIX съезди» колхозидан Жумабой Сиддиқов бошлиқ бригада дала шийпони ҳам ҳар жиҳатдан бошқа коллективларга намуна бўла олади. Дала шийпони учун ажратилган томорқада сабзавот, полиз маҳсулотлари ғарқ пишиб етилган. Ишкомларда олтиндек товланиб турган узумлар кўзни қамаштиради.

Шу бригаданинг мусобақадоши Аҳмад Душабоев бошлиқ бригада дала шийпонига борган кишининг ҳам баҳридили очилади. Бу коллектив томорқани яшнатиш билан бирга каттагина қўлбола ҳовузда балиқчиликни ҳам йўлга қўйишибди. Энди тушлик дастурхонга кунда-кунора балиқ таомлари тортиляпти.

Афсуски, ана шундай ажойиб дала шийпонлари билан бир қаторда ҳозирги давр талабига жавоб бермайдиган шийпонлар ҳам оз эмас. Дала шийпонларини пахта йиғим-терими мавсумига тайёрлашда Пискент райони хўжаликларида ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидаги дала шийпонларининг бугунги аҳволи кишини ранжитади. Маданий-маиший ишлар бўйича раис муовини Мирсоат Пардаев бизни Муршид Ҳасанов бошлиқ бригада дала шийпонига таклиф этди. Афтидан бу намунали шийпонлардан бири бўлса керак. Аммо раис муовини типовой, деб таърифлаган бу шийпонни, аввало шийпон дейиш қийин. Чунки, даланинг ўртасида, атрофида дарахт уёқда турсин, ҳатто бироз туп ниҳол йўқ шип-шийдон бинони шийпон, деб бўладими ахир?!

Хўш, тонгдан туш қизиғигача далада ишлаб ҳориган колхозчилар қайси соя-салқинда ҳордиқ чиқаришади?

— Мана бу хоналарда-да, — дейди М.Пардаев пинак бузмай.

Ичкари кирамиз. Лекин у ер ҳам кўнгил тортадиган жой эмас. Эшик ва дераза ромлари ҳеч бўялганми, ёки бунёд бўлганидан бери бўёқ кўрмаганми, аниқлаш қийин. Хона шифтига қараб бўлмайди. У қушлар маконига айланган.

Нугришо Қадимов раҳбарлик қилаётган бригада ҳам шу шийпон нусхасидан андоза кўчирганга ўхшайди. Тангадек соянинг йўқлиги, биноларнинг қаровсиз ётганлиги билан колхоз раҳбарлари қизиқишмайди.

Бундай ночор дала шийпонларини Пискент, Бўка, Оққўрғон, Бўстонлиқ районларидаги бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Хўш, улардаги асосий камчилик ва нуқсонлар нималардан иборат

Маълумки, дала шийпонлари одамлар учун, аввало бемалол овқатланиб, бир пиёла чой устида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш учун керакдир. Иссиқ овқат масаласи, асосан ҳал этилган. Деярли ҳамма дала шийпонларида ошхоналар бор. Айримларида иккитадан, яъни ёзлик ва қишлик ошхоналар мавжуд. Аммо афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам гигиена талабларига жавоб бера оладиган даражада озода сақланмайди. Масаллиқлар кўпинча қопларда ва махсус мосланмаган яшикларда сақланади. Идиш-товоқлар ва бошқа буюмлар ифлос ҳолда (масалан, Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг 2-бўлими 4-бригадаси шийпонида) сақланади.

Район санитария-эпидемиология станциялари ходимлари одамларга овқат тайёрлашга даъват этилган кишиларнинг шахсий ҳамда жамоат гигиенасига қатъий риоя қилишлари устидан назорат ўрнатишлари зарур. Меҳнаткашлар овқатланадиган ер покиза бўлиши лозим. Оққўрғон районидаги Вотинцев номли ва «Коммунизм» колхозлари ҳамда бошқа хўжаликлардаги кўпгина дала шийпонлари бу талабга жавоб беролмайди.

Йиғим-терим мавсуми оммавий бошланганда дала шийпонлари меҳнаткашлар билан янада гавжум бўлади. Демак, улар учун овқат тайёрланадиган жой покиза бўлиши хусусида ҳозирданоқ қайғуриш керак. Ўчоқлар тартибга келтирилиши, ошхона ва овқатланадиган жой оқланиши, ошхона инвентарлари, айниқса, идиш-товоқлар етарли бўлиши, ошпазлар махсус коржомалар билан таъминланишлари лозим бўлади.

Бирор меҳнаткашлар дала шийпонларида фақат овқатланмайдилар. Улар ёқимли мусика ва радио эшиттиришларини тинглашни, телевизор томоша қилишни, журналнинг янги сонларини варақлашни ҳам хоҳлашади. Оққўрғон, Пискент, Бўка, ва Бўстонлиқ районларидаги ҳамма дала шийпонларида ҳам шундай имконият бор, деб бўлмайди. Хўш, нима учун шундай?

— Йигирматадан кўпроқ шийпонни ҳанузгача электрлаштиришнинг имкони бўлмаяпти,— дея нолишади Бўстонлиқ райони раҳбарлари.

Тўғри, бизнинг давримизда электрсиз кишиларга, айниқса ёшларга маданий шароит яратиб бериш қийин. Бутун бошли райондаги иккитагина транзисторли магнитофон билан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Аммо аллақачон электрлаштирилган кўплаб дала шийпонларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бундай шийпонлар Бўстонлиқ районида 69 та. Шундан фақат 16 тасидагина телевизор бор холос. Эндиликда холодильник ҳам телевизор сингари ноёб мол бўлмай қолганига қарамай, фақат 20 тагина шийпонда бор. Бунинг устига улар кўпинча ўчириб қўйилади ёки баъзи бир нарсаларни сақлаш учун мунчаки идиш сифатида фойдаланилади. Биз Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозининг 14-бригадаси дала шийпонида худди ана шундай аҳволнинг гувоҳи бўлдик.

Текширув давомида дала шийпонларини жиҳозлашда, оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишда ҳам кўпгина камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Кўпинча ҳеч қандай мақсадсиз, қўлга илинган нарсаларнинг ҳаммасини деворларга ёпиштириб ташлайверадилар. Мазмуни ва моҳияти билан жуда зарур бўлган шиорлар, жанговар даъватлар битилган транспарантларни эса топиб бўлмайди. «Жанговар варақа», «Чақмоқ» ҳамда деворий газеталар мунтазам чиқариб турилмайди.

Йиғим-терим даврида асосий эътиборни социалистик мусобақанинг ошкоралигига қаратмоқ лозим бўлади. Бу ишда ҳозирча бригаданинг паспорти, социалистик мажбурияти, ташаббускорларнинг марралари қайд этилган стендларни ўрнатиш билан чекланиб қолинмоқда. Одамлар қандай ишлашяпти? Ҳосил тўплаш даврида нималарга эришилди? Экинга ишлов бериш ва суғоришда кимлар намуна кўрсатди? Ниҳоят, одамлар қандай даромад қилишди ёки йиғим-терим даврида қанча даромад олишади? Ҳаммани қизиқтирадиган бу ҳаётий муҳим масалалар кўргазмали агитация воситалари ёрдамида яхши акс эттирилмаяпти. Кўпгина дала шийпонларида социалистик мусобақа бурчаги йўқ. Борлари ҳам дид билан таъсирли қилиб безатилмайди.

Ҳар бир дала шийпонида меҳнат шуҳрати байроғи ўрнатиш тавсия этилган. Бироқ улар рейд давомида текширилган хўжаликларда жуда оз эканлиги маълум бўлди. Масалан, Оққўрғон районидаги 13 та, Пискент районидаги 38 та, Бўстонлиқ районидаги 6 та дала шийпонида ана шундай байроқ ўрнатилган, холос.

Йиғим-терим мавсуми қисқа. Шунинг учун оммавий агитация ишлари ҳар куни ўтказилиши керак. Ана шунда одамлар қўшни бригада, хўжалик, район, область ва республикадаги аҳвол билан оператив хабардор қилиб борилади. Ана шунда илғорлар тажрибаси кенг ёйилади ва қўллаб-қувватланади.

Шу мақсадларда район ва хўжаликларда идеология активлари билан семинар-кенгашлар ўтказиш, улар ишининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари даражасида бўлишига эришиш муҳимдир. Бунда сўз билан иш бирлиги таъминланиши лозим.

Область партия комитетига келаётган маълумотлар ҳамда жойларда ўтказилаётган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, белгиланаётган кўпгина план ҳамда тадбирлар ҳамон қоғозларда, уларни ишлаб чиқаётган кишиларнинг столлари устида қолиб кетаётир. Ҳамма ерда маиший хизмат бригадалари ҳамда автолавкаларнинг далаларга чиқиш графиги бузилаётир. Далаларга олиб чиқилаётган молларнинг тури кам, сифати паст. Қишлоқ меҳнаткашларининг бўюртмалари тўла қондирилмаяпти.

Рейд давомида аниқланган камчиликларни тугатиш қийин эмас. Бунинг учун хўжаликларнинг раҳбарлари, уларнинг маданий ва маиший ишлар бўйича муовинлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетларининг раисларидан дала шийпонларининг аҳволи, оммавий-сиёсий ва маданий ишларнинг савияси масалаларида катта масъулият ҳис этишлари, юзага келаётган муаммоларни ночиллик ва ишчанлик билан ҳал этиб боришлари талаб этилади.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИНИНГ КУЗГИ ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

23 АВГУСТ РУМИНИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

БУГУН қардош румин халқи миллий байрам — Озодлик кунини кенг нишонлайди. Совет Армияси иккинчи жаҳон уруши фронтларида ҳал қилувчи ғалабаларга эришганлиги, Ясси-Кишинёв операцияси пайтида немис-фашист қўшинлари тор-мор келтирилганлиги туфайли румин халқи фашизм асоратидан халос бўлди. Шундан сўнг коммунистлар раҳбарлигида амалга оширилган қуролли қўзғолон румин халқининг кўп асрлик тарихида янги ҳаёт йўлини очиб берди.

Халқ Руминияси урушдан сўнгги йиллар даврида катта ва ёрқин йўлни босиб ўтди. Аввалларн Европада энг қолоқ мамлакатлардан бири ҳисобланган Руминия ҳозирги пайтда замонавий индустриал-аграр давлатга айланган. Шуни айтиш кифояки, республикада саноат маҳсулотлари ялпи ҳажми урушдан аввалги даврдагига нисбатан 50 бараварга кўпайди. Аҳоли жон бошига энг муҳим турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, чўян, пўлат, цемент, синтетик каучук ва тола, ип газлама ва жунли газмоллар ишлаб чиқариш бўйича Руминия индустриал жиҳатдан ривожланган бир қатор мамлакатлардан ўзиб кетди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Кейинги 20 йил ичида республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳажми икки бараварга ортди. Ҳозирги пайтда мамлакат далаларида 155 мингта трактор ишлаб турибди.

Руминия халқ ҳокимияти йилларида фан ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Республика меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги тобора ортиб боряпти. Социалистик қурилиш йилларида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи тўрт бараваргa, ижтимоий фондлардан олаётган даромадлари эса 21 мартага ортди. Халқ ҳокимияти йилларида аҳолининг 70 процентдан кўпроғи янги уйлар ва квартираларга кўчиб ўтди. Фақат шу йилнинг ўзида мамлакатда 180 мингта квартира қуриш мўлжалланган.

Мамлакат экономикасини ривожлантиришда Руминиянинг Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқалари жуда катта роль ўйнамоқда. СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан Руминияда саноатнинг энергетика, металлургия, химия, нефть химияси ва бошқа асосий тармоқларида 140 тадан кўпроқ объект қурилди ва реконструкция қилинди. Ҳозирги пайтда ҳам мамлакатимиз Руминия Социалистик Республикасига ўнлаб саноат объектларини қуришда ёрдам кўрсатяпти. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Фақат 1981—1985 йилларда ўзаро товар етказиб беришни аввалги беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш мўлжалланган. Жумладан, бу йил Совет Иттифоқи РСРга кўмир, чўян, қора ва рангли металлар прокати, пахта, минерал ўғитлар ва бошқа товарлар етказиб беради. Ўз навбатида Руминия мамлакатимизга қишлоқ хўжалик машиналари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, уруғлик, бошқа турли хил товарлар жўнатади.

Ҳозирги пайтда республика меҳнаткашлари Руминия Коммунистик партиясининг ҳар тарафлама ривожланган социалистик жамият қуриш программасини амалга оширяпти. Бу программани 1981—1985 йилларда ҳаётга тадбиқ этишнинг конкрет вазифалари РКПнинг 1979 йил ноябрида бўлиб ўтган XII съездида белгилаб берилган. Бунда асосий эътибор иқтисодий самарадорликни ошириш, хўжалик юритишни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқ хўжалигига фан-техника ютуқларини жорий этишга қаратилади.

Совет-румин дўстлик жамиятининг коллектив аъзоси — «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси коллективи қардош румин халқига миллий байрам — Озодлик куни муносабати билан эзгу тилакларини изҳор этади.

* * *

СУРАТДА: Руминиянинг Констанца портида. Порт коллективи мамлакат фашизм зулмидан озод қилинганлигининг 39 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.



ЯКШАНБА КУН ВОҚЕАЛАРИ

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА МУРОЖААТ

ГАВАНА. Гватемала инсон ҳуқуқлари комиссияси бутун дунё тараққийпарвар жамоатчилигига мурожаат этиб, Гватемаладаги давлат тўнтариши натижасида давлат тепасига чиқиб олган генерал Мехиа Викторес режимининг шу мамлакатдаги тараққийпарвар ва ватанпарвар кучларга қарши кучайтириб юборган ашаддий жабр-зулм ва бедодлик жавасини тўхтатишга чақирди. Гватемаланинг янги ҳукмдорлари, деб уқтирилади бу ерда тарқатилган баёнотда, барча сиёсий маҳбусларнинг ва «дом-дараксиз йўқолган»ларнинг қачон бўлмасин ўз яқин қишилари тўғрисида маълумот сўраб маъмурларга мурожаат этган қариндош — уруғларини бирин-кетин қамоққа олишга киришдилар.

Инсон ҳуқуқлари комиссияси халқаро жамоатчиликни мамлакатда ҳукм сураётган зўравонлик ва бедодликка аралашиб, уни тўхтатишга даъват этади.

ЧАДДАГИ МОЖАРОНИ КЕСКИНЛАШТИРМОҚДАЛАР

ТРИПОЛИ. Франция Нжаменага янги ҳарбий бўлинмалар ва қурол-яроғ етказиб бериш орқали Хабре режимига ҳарбий ёрдамни тобора кенгайтирмоқда. Бу эса Франция ҳукуматининг Чаддаги можарони баттар кескинлаштириш ниятидан далолат беради, деб таъкидланади Ливиядаги, ЖАНА агентлигининг шарҳида. Чамаси, Франция Чаддаги жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этишга чоғланмоқда, деб уқтиради агентлик. Парижнинг андишасизларча сиёсати унинг мустамлака ҳукмронлиги замонларини қайта тиклашга ва Чаддаги можарони тинч ҳал этиш учун ҳаракат қилаётган Африка бирлиги ташкилотига ўзини қарама-қарши қўйишга интилаётганини кўрсатади, дейилади шарҳда.

ИМПЕРИАЛИСТ ДАВЛАТЛАР ҚОРАЛАНДИ

КОБУЛ. Афғонистондаги «Кабул Нью-таймс» газетаси БМТ резолюцияларига хилоф иш тутаётган ва иртқи ЖАР режимини қўллаб-қувватлаб келаётган империалист давлатларни қоралаб чиқди. Ирқий камситиш сиёсати, деб уқтиради газета, инсониятга қарши жиноятдир. Ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар бу сиёсатга ҳақли равишда ғазаб ва нафрат билан қарамоқдалар.

Демократик Афғонистон халқи ва ҳукумати ирқий камситишга қарши чиқмоқда, мазлум халқларнинг озодлик ва тенглик йўлидаги одилона курашини қўллаб-қувватламоқда, деб ёзади «Кабул нью-таймс» газетаси.

АҚШ ҲУЖУМНИ КУЧАЙТИРДИ

ТУНИС. АҚШ дунёнинг ҳамма районларида ашаддий империалистик ҳужумни кучайтириб юборди. У Ўрта денгизда ивгогарликлар қилмоқда, Чадга ҳарбий техника ва маслаҳатчилар юбормоқда, Исроилнинг тажовузкорлик сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда, Никарагуанинг ички ишларига сурбетларча аралашмоқда ва Сальвадордаги озодлик ҳаракатини тугатишга уринмоқда. Европада эса Америка маъмурияти янги ядровий ракеталарни жойлаштириб, Европа мамлакатларинигина эмас, дунёнинг бошқа районларини ҳам қирғин хавфи остига қўймоқда. Тунис компартияси сиёсий бюросининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шундай дейилган.

Сиёсий бюро Араб мамлакатларининг ва Африка мамлакатларининг барча тараққийпарвар ватанпарварлик кучларини ўз мустақиллиги, хавфсизлиги ва суверенитетига таҳлика солаётган Америка империализмининг дағдағасига қарши кескин жавоб беришга чақирди.

(ТАСС, 22 август).

ДАСТУРХОНИМИЗНИ ТЎКИН ҚИЛАЁТГАНЛАР



Суратда: бригада бошлиғи Э. Орзиев помидор сифатини кўздан кечирмоқда.

В. Портнов фотоси.

Кенг дала. Бир неча кун аввал бу ерлар экинзор эди. Мана энди ҳайдаляпти: трактор бир маромда тириллаб ер ағдараяпти. Унинг овозига чуғур-чуғурлашиб учиб юрган қушларнинг нағмаси қўшилиб, киши дилини қитиқловчи ажиб бир оҳанг тараляпти. Сувлари шилдираб оқиб турган ариқ лабига қурилган дала шийпонининг сўрисида ошпаздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳамма далада, мўл ҳосил етиштириш иштиёқида жавлон урмоқда. Сўри атрофига экилган дарахтлар соя ташлаб турган ерларга сув сепилиб, супуриб-сидириб салқин қилиб қўйилган. Шийпон деворига бригаданинг план ва мажбуриятлари ёзилган кўрсаткич тахта осилган.

— Эргаш ака қўринмайдилар,— сўраймиз ошпаздан.

— Э, неча йилдан бери шу бригадада ишлаётган бўлсам ҳам бирон марта у кишининг бир жойда ўтирганини кўрмаганман,— кулиб жавоб берди ошпаз.— Далада ишлаётганларга ўзлари бош-қош бўлмасалар кўнгиллари тўлмайди. Ҳозир ҳам хой-нахой ариқ бошида сувга қараётган бўлсалар керак.

Дала оралаб ўша томонга юрдик. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Картошка, пиёз, гуркираб ўсмоқда. Қатор ораларида бегона ўтлар кўринмайди. Паст бўйли, қорачадан келган шоп мўйловли, чамаси 50—55 ёшлардаги бир киши жилваланиб оқаётган сувни жиловлаяпти. Бу киши Қалинин районидаги «Хасково» совхози 1-бўлимининг иккинчи бригадаси сардори Эргаш ака Орзиев эди.

Эргаш ака ўн икки йил аввал шу бригадага бошлиқ этиб тайинланди. Шундан бери ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораяпти. Ўтган йили бригада аъзолари йиллик ялпи ҳосил топшириш мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Бу йил ҳам Эргаш ака Орзиев бошлиқ иккинчи бригадада мўл ҳосил топшириш учун кураш бораяпти.

— Биз бу йил юксак мажбурият олганмиз, — дейди Эргаш ака.— Уни бажариш учун ҳар бир имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳозиргача эришилган натижаларни кўрсатувчи рақамларни таҳлил қилар эканмиз, бригада ишчилари чиндан ҳам ўз сўзларининг удасидан чиқиш учун астойдил қурашаётганликларига ишонч ҳосил қилдик. Шу кунга қадар бу бригада пландаги 170 тонна ўрнига давлатга 185 тонна картошка топширди. Ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни кам деганда 210 центнерга етказиш учун сўз беришган. Шу мақсадда кечки картошка экиш ҳам сифатли ўтказилди. Ҳозир парвариш қизғин бораётир.

Сабзавот хирмони ҳам юксалиб бораётир. Эрта-индин 650 тонналик марра учун кураш бошланади. Сабзавот ҳосилдорлиги 400 центнерга етказилади.

Совхозда чорвачилик ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Бунда Эргаш ака бошлиқ бригада аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, десак янглишмаган бўламиз. Чунки бригадада ерлардан самарали фойдаланиш ҳисобига такрорий экишга катта эътибор берилаётир. Эртаги экиндан бўшаган ерларга кўкпоя учун жўхори экиб қўйилган. Сули, жавдар сингари оралиқ экинлардан мўл ҳосил олинади.

Бу бригада совхознинг Рихсивой Муроталиев бошлиқ бригадаси билан мусобақадош. Мусобақа ҳар икки коллективнинг умумий юксалишига катта ёрдам бераётир.

Айни кунларда бахмал далаларда иш қизғин. Помидор, бодринг ҳосили йиғиштириб олинаяпти. Кечки экинларга сув қуйилиб, культивация қилиниб, озиқлантирилмоқда. Бу ишларни бажаришда Н. Камолов, Ш. Сайфиев, Мавлуда ва Рихси Шерматовалар, Х. Нуралиев каби илғор ишчилар ғайратшижоат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

М. РИХСИЕВ,
ТошДУ студенти.

ОҚИБАТ

МЕРОС

«Бу бино 1972 йилда шифокор Дина Семёновна Маргулиснинг маблағи ҳисобига қурилган». Тошкент минерал сувлари шифохонасининг серарахт, баҳаво ҳовлисида қад кўтарган бинолардан бирида-ги мармарга шундай сўзлар ёзилган.

Шифохона бошланғич партия ташкилотининг секретари Абдулазиз Абдуҳофизов ҳузуридаги суҳбатимиз ҳам ана шу сахий қалб эгаси ҳақида борди.

— Дина Семёновна икки ойча муқаддам саксон ёшида вафот этди,— дея ҳикоя қилади Абдулазиз ака.— Аммо коллективимиз учун у ҳамон сафда. Биз билан бирга ишлаб, бирга яшаётгандай...

Дина Семёновна аслида Винница областидан. Одесса медицина институтини тамомлаган ёш шифокорни уруш бошланганлиги туфайли Ўзбекистонга эвакуация қилишди. У Хивадаги тери ва таносил касалликлари диспансерида ўн йил ишлагач, 1951 йилда ишга туширилган Тошкент минерал сувлари шифохонасига келди ва умрининг охиригача шу саломатлик даргоҳида меҳнат қилди.

Суҳбатга хотин-қизлар советининг раиси Алефтина Белоусова билан ҳамшира Рихсихон Шерматовалар қўшилишди.

— У ҳаммамизга ўз онамиздек ардоқли ва қадрли эди,— Алефтина Ивановна бу сўзларни чин дилдан, алоҳида бир самимият билан айтди.— Қайси бир инсон ўз онасини унутарди, дейсиз. Шу боисдан ҳам унинг хотираси қалбимизда абадий сақланади.

— Дина хола менга устозлик қилганлар, у кишининг яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман,— Рихсихон Шерматова шундай деди-ю, кўзларида ёш халқаланди.— Дунёдаги ҳамма аёлларнинг Дина холадек қалби дарё бўлишини истардим...

Дарвоқе, Дина Семёновна Рихсихонни ўз қизидек севарди. Унга ғамхўрлик кўрсатиб, тиббиёт сирларини ўргатиши туфайли Рихсихон шифохонанинг моҳир ҳамшираларидан бири сифатида танилди.

— Қизим, ақл-идрок билан иш юритмоқ, етти ўлаб бир кесмоқ лозим,— дерди Дина Семёновна.— Касбингга умрингни бахшида этсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан. Бундан ташқари, оиланг билан аҳил-тотув бўл. Кимнинг уйида иноқлик бўлса ишида ҳам унум бўлади, коллективда обрў-эътибори ошади.

Партком секретари бизни Дина Семёновна ҳаётининг охирги дақиқаларида яшаган хонага таклиф этди.

— У ёлғизликни ёқтирмасди. Шунинг учун ҳам уни ҳеч қачон танҳо қолдирмадик. У билан ўттиз икки йил бирга ишлаган 73 ёшли онахон Хайри опа Мажидова ёнида бўлди. Қизларимиз эса навбатма-навбат қараб туришди. Унинг юраги уришдан тўхтагани ҳақидаги шум хабардан ҳаммамиз ҳам қаттиқ изтиробга тушдик.

Абдулазиз ака деразадан кўриниб турган ҳовузга тикилиб, бироз жим қолгач, яна сўзида давом этди.

— Коллективимизнинг таррук инсонга бўлган ҳурмати, меҳр-оқибати ўша кезларда яна бир бор синовдан ўтди. Уни сўнгги йўлга ўз маблағи ҳисобига қурилган бино олдидан олиб ўтдик.

Суҳбатдошимиз бизни Маргулиснинг ҳалол меҳнатидан тўпланган маблағи эвазига қад кўтарган бинога бошлайди. Бир маҳаллар касалхонанинг 20 ўринли корпуси вазифасини ўтаган бино эндиликда дорихонага айлантирилибди.

— Бино дорихона учун жуда қулай қурилган,— дейди мудир Ҳамидулла Тиллаев.— Унинг ҳоналари кўплиги дориларни турига қараб жойлаштириш, тайёрлаш, медицина жиҳозларини асраб —авайлаш учун жуда қулай. Ҳозир бу ерда 400 хилдан ортиқ 15 минг сўмлик дори-дармон сақланяпти.

Шу ўринда Д. С. Маргулис шифохонага мерос қолдирган бинонинг қурилиши тарихи билан қизиқдик. Маълум бўлишича, у бу иш учун пул берган. Бош врачнинг собиқ ўринбосари Николай Ким раҳбарлигида бино ҳашар йўли билан қурилган экан. Шифохонанинг асосий корпуси тўрт қаватли бўлиб, ҳар бир қаватдаги беморлар учун биттадан рангли телевизор сотиб олинган. Уларга «Д. С. Маргулис маблағига сотиб олинган» деган лавҳа ёзиб қўйилди. Ҳademай, унинг таржимаи ҳоли ҳамда фотосурати ўзи қурдирган бино деворидан жой олади, қабрига ёдгорлик ўрнатилади.

Шифохона қабул бўлимининг ҳамшираси Валентина Чаплигина Дина Семёновна ҳақида гапира туриб, бир факт устида алоҳида тўхталди.

— Дина Семёновнанинг Тошкентда Шота Руставели кўчасида кооператив усулда қурилган уйи бор эди. Ўз васиятига кўра ўша уй ҳам коммунал хўжалик ихтиёрига топширилди...

Кўпчилик бўлиб марҳумнинг қабрини зиёрат қилгани бордик. Умрини қишлоқ саломатлигига бағишлаб, бор бисотини халққа инъом этган, яхшиликни, саҳийликни ва меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларни шогирдларига мерос қолдирган ҳазрати инсонга таъзим бажо келтирдик.

Э. ЮСУПОВ,
Тошкент райони.



✦ КРАСНОАРМЕЙСК (Донецк области). «Красноармейскуголь» бирлашмасида энг янги машина-ускуналарнинг эмас, шу билан бирга иш вақти резервларини актив қидириб топиш, ишлаб чиқаришдаги намуналн тартиб пландан ташқари ярим миллион тонна кўмир қазиб олишни, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлади. «Иш вақти — ишлаб чиқаришга!» шиори остида иш кўраётган меҳнат интизоми штаби маъмурият ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

✦ БОКУ. «Озарбайжонфильм» ва «Ленфильм» киностудиялари ҳамкорликда замондошларимизга бағишланган «Парк» янги бадиий фильмини суратга олдилар. Озарбайжонлик кинематографчиларнинг асарларида муҳим ўрин эгаллаётган совет халқлари ўртасидаги дўстлик мавзуини улар Москва, Ленинград, қардош республикалар экран усталари билан ҳамкорликда фаол ҳал этмоқдалар. Армияни ва мамлакат ичкарисини ёнилғи билан узлуксиз таъминлаб турган бокулик нефтчиларнинг жасорати тўғрисида ҳикоя қилувчи «Бошқалар томон йўл» картинаси шундай ленталардандир. Картина «Мосфильм» студияси билан ҳамкорликда яратилмоқда. Украинани озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашган генерал Ази Аслонов тўғрисидаги картина А. Довженко номли Киев киностудияси билан ҳамдўстликда суратга олинмоқда.

✦ БОКУ. Апшерон боғларида бодом теришга киришилди. Бу ерлар учун одатдан ташқари бўлган совуқдан шикастланган бодомзорларнинг ҳосили айниқса қувонтирмоқда. Никитский ботаника боғи мутахассислари бодомзорлар ҳосилдорлигини қайта тиклашда озарбайжонлик ҳамкасбларига ёрдам бердилар. Апшерон совхозлари бу йил мамлакат қандолатчилари, медиклари, косметологларига 200 тонна бодом жўнатади.

✦ МАГАДАН. Магадан аэропортида самолётлар парки янги типдаги машиналар билан тўлдирилди. Бу ерда оғир юк ташийдиган ИЛ-76 ҳаво лайнери доимий қатнайдиган бўлди. Эндиликда Магадан граждан авиацияси бошқармасининг учувчилари Колим ва Чукотка кончилари, геологлари, қурувчилари, буғубоқарларига халқ хўжалик юкларини янада тезроқ етказиб бера оладилар. Айни вақтда бўлдозерлар, автомашиналар ва бошқа машина-механизмлар йиғилган ҳолда ташиб берилади.

✦ ОДЕССА. Одессадаги «Стройгидравлика» заводида меҳнатга ҳақ тўлашнинг аванссиз системаси жорий этилди. Энди бу ерда ишчилар ҳар жума куни конкрет бажарилган иш учун маош оладилар. Бу аниқ ишлаб чиқариш маромини таъминлашга, меҳнат интизомини ошириш, шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш планларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашмоқда.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ
«БУЙСУНДИРИШ»
(АЕЛ—ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА)
АТТРАКЦИОНИ БИЛАН
ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Ўргатувчи — Марица ЗАПАШНАЯ.

Бутун кеча давомида саҳнада масхарабозларнинг чи қишлари.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба кунлари — 16.0 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса — 13.00, 16.00 в 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.
Справкалар учун телефон 44-35-91.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги Тошкен гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги
ЎҚУВ ТАЙЁРЛОВ КОМБИНАТИ

1983—1984 ўқув йили учун қуйидаги мутахассислар тайёрлаш бўйича
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саллоҳлар, гўштни суякдан ажратувчилар, колбаса ишлаб чиқариш учун қийма тайёрловчилар, колбаса ба тонларини боғловчилар, совутиш қурилмалари бўйич мутахассислар, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқа риш бўйича мастер ёрдамчилари ва аппаратчилар, КИП ва автоматика бўйича слесарлар.

Ўқув комбинатига 8—10 синф ҳажмида маълумотг эга бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизла қабул қилинади.

Ўқиш муддати 4—6 ой.

Ўқишга кирганлар ётоқхона, иссиқ овқат ва стипен дия билан таъминланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириш лари керак: маълумоти тўғрисида аттестат ёки справка соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), турар жойида справка, 3х4 см. ҳажмида 4 та фотосурат, паспорт ҳам да турар жойида жойлашган гўшт ва сут комбинатида йўлланма.

Ўқишни битирганлар махсус мутахассислик бўйич гувоҳнома оладилар.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент области, Калинин райони Ўрта овул посёлкаси, ўқув-тайёрлов комбинати (131-ав тобусининг сўнгги бекати).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЛАБ САМОЛЕТЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТЕРНОПОЛЬ — «ЛЕСНАЯ» ТУРИСТИК БАЗАСИ— «ЗБРУЧ» ТУРИСТИК БАЗАСИ — 7—21 сентябрь. Баҳоси — 260 сўм.

ЯСИНЯ—БОРЖАВА—МУКАЧЕВО (Ғарбий Украина) **— 25 сентябрдан 9 октябргача. Баҳоси — 270 сўм.**

ЗАГОРСК (Подмосковье) **— 14—28 сентябрь. Баҳоси — 260 сўм.**

ХАРЬКОВ—«ВАСИЩЕВО» туристик базаси — 31 августдан — 19 сентябргача. Баҳоси — 245 сўм.

ЧЕРНОВЦИ—КАМЕНЕЦК-ПОДОЛЬСКИЙ — 31 августдан — 14 сентябргача. Баҳоси — 300 сўм.

КИЕВ—КАНЕВ—КИЕВ — 8—21 сентябрь. Баҳоси— 275 сўм.

ВСЁВОЛЖСК — 30 ноябрдан — 9 декабргача. Баҳоси — 165 сўм.

НАЛЬЧИК—«МОВИЙ КЎЛЛАР» туристик базаси — 2—22 сентябрь. Баҳоси — 250 сўм.

КРАСНОДАР—КАБАРДИНКА ПОСЁЛКАСИ — 28 августдан — 11 сентябргача. 17—31 октябрь. Баҳоси — 270 сўм.

ПИЦУНДА — 4—23 ноябрь. Баҳоси — 265 сўм.

МОСКВА — «БУТОВО» КЕМПИНГИ — 11—20 сентябрь. Баҳоси — 220 сўм.

ГАГРА—21 ноябрдан—10 декабргача. 11—30 декабрь. Баҳоси 225 сўм.

«СОЧИ—ДАГОМИС» МЕҲМОНХОНАСИ — 17 декабрдан — 5 январгача. Баҳоси — 330 сўм.

СОЧИ—ЛАЗАРЁВСКОЕ (дам олиш уйида ёшайдилар) **— 23 октябрдан — 11 ноябргача. Баҳоси — 265 сўм, 12 ноябрдан — 1 декабргача. Баҳоси— 230 сўм, 2—21 декабрь. Баҳоси — 212 сўм.**

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефон — 39-13-59.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ҚИСҚА танаффусдан сўнг олий лига вакиллари мамлакат чемпионати ўйинларини бошлаб юбордилар. Ўтган шанба ва якшанба кунлари беш учрашув бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Динамо» (Мн) — «Торпедо» (М) — 1:1, «Нистру» — «Торпедо» (Кт) — 1:2, «Жальгирис» — ЦСКА — 2:1, «Днепр» — «Динамо» (К) — 2:1, «Шахтёр» — «Металлист» —1:0.

Эртага «Пахтакор» Тбилиси шаҳрида маҳаллий «Динамо» коллективи билан куч синашади.

МАМЛАКАТ чемпионатининг иккинчи лига еттинчи зона командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Турнир жадвалини бошқарибг бораётган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси бу сафар ҳам ғалабага эришди. Улар Фрунзеда Марказий олимпия резервлари мактаби командаси дарвозасига жавобсиз олтита тўп киритишди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Фрунзенинг «Олға» футболчилари эса Навоийда маҳаллий «Зарафшон» командасини 3:1 ҳисобида енгдилар.

Чемпионатда областимиз футбол шарафини ҳимоя қилаётган Халқободнинг «Соҳибкор» командаси эса бугал мағлубиятга учради. «Хива» — «Соҳибкор» матчи 2:0 ҳисобида тугади.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Наримоновчи» — 3:0, «Хоразм» — «Янгиер» — 1:0, «Навбаҳор» — «Автомобилист» — 4:2, «Старт» — «Олой» — 2:2, «Шаҳрихончи» — «Пахтакор» — 2:1, «Бешкент» — «Хўжанд» — 3:1, «Ҳисор» — «Ёшлик» — 2:0.



ҚАЛБ КЕНГЛИКЛАРИ

ҲОЗИРГИ шеъриятимизни тинимсиз изланишлар йўлидан бораётган, ўз овозига эга бўлиш учун, замондошларига дил изҳорини айтиш, инсон қалбининг соҳир манзараларини тадқиқ этиш учун интилаётган ва бу йўлда дастлабки ютуқларни қўлга киритаётган бир гуруҳ ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай навқирон шеърият вакилларидан бири — ўзининг қатор шеърлари билан республика матбуотида фаол қатнашиб келаётган, «Вақт ранглари» номли илк тўпламини ўқувчилар эътиборига ҳавола этган ёш шоир Икром Отамуродовдир.

И. Отамуродов шеърларининг ўзига хос жиҳатлари нимада? Улар қайси хусусиятлари билан ўқувчи диққатини ўзига жалб этади? Шуни таъкидлаш жоизки, шоирнинг лирик қаҳрамони дунёга тийран нигоҳ билан қарайди, ижодкорнинг тасаввур доираси анча кенг, бошқача қилиб айтганда, шеърлари майда-чуйда туйғулар, ўткинчи кечинмалар баёнидан иборат бўлмай, балки улардан бегубор кўкда қанот қоқаётган тўғрайлар овози, давримиз қаҳрамонларининг поёнсиз даштлардаги кўтаринки меҳнат нафаси, муҳаббатнинг ўтли ва ҳазин саси эшитилиб туради.

Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари
ранго-ранг.
Кўз илғамас уфқларнинг
қанча-қанчаси
сийнасига бош қўяр
унинг.
Бунда очилар
қўзиғуллар,
лолақизғалдоқлар,
чучмомалар...

Бу сатрларни ўқир экансиз, ўзингизни ногаҳон кенгликлар бағрига тушиб қолгандай ҳис этасиз, енгил шабадада тебранган майсалар турмуш ташвишлари билан банд хаёлингизни бир зум олис-олисларга олиб қочгандай туюлади, руҳингизни нимадир эркалайди. Бу — шеърнинг сизга бахш этган эстетик завқидир.

И. Отамуродов ижодидаги яна бир яхши хусусият шуки, у аксарият шеърларида шиддатли замон билан ҳамнафас бўлишга интилади, унинг долзарб муаммолари хусусида ўй суради, ижтимоий салмоқдор фикрлар айтишга интилади. «Замининг ҳар бир минтақасида дўстларим бор, — дейди у бир шеърида, — учрашмаган бўлсак-да, бирор марта ҳам... дили дилимга пайванд». Сиз ўйга толасиз: ким экан улар? Шоир дунёдаги эрк ва озодлик, тинчлик учун курашчиларнинг барчасини «бир юракнинг гражданлари» атайди, ўзига дўст деб билади, уларнинг тақдири ҳақида қайғуради.

Сир эмас, ҳар бир қалам соҳибининг ижодий фаолиятида маълум ўрин тутадиган, изланишларининг самараси ҳисобланадиган, унинг иқтидорини белгиловчи шеърлари бўлади. Ёш шоирнинг «Дарс» сарлавҳали шеъри шундай асарлар сирасига киради. У қуйидаги сатрлар билан бошланади:

ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Дарсхонани кенг олинг,
мавзу катта,
Синф хонаси торлик
қилади унга.
Вақтни кўпроқ ажратинг:
қирқ беш минут етмас
унинг моҳиятин
тушунтиришга.

Сизда беихтиёр шеърга қизиқиш уйғонади. Бу қандай дарс бўлди? Шоир эса жавоб бермай, аксинча, янада ҳайратингизни кучайтиради:

Дарсхонани кенг олинг,
тингловчилар кўп:
дунёдаги миллатлар
қадар,
дунёдаги инсонлар қадар...

Шеър шу тахлитда давом этади. Шоир бу дарсни «Қарши чўлининг чўлқуварлари», «БАМнинг фидокор бунёдкорлари», «Озодлик оролининг шакарзорида серҳосил деҳқон»-у, «Африканинг олис бурчагидаги қари негр ҳам, юрак зарбига қулоқ тутган каби» тинглашини таъкидлайди. Ва ниҳоят шеър якунланади:

...Шунинг учун
дарсхона керак
энг камида
Ер шари қадар
Улуғ Октябрь
Социалистик
Революцияси
мавзуини ўтишга!..

Инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган буюк Инқилоб, унинг оламшумул аҳамияти ҳақида кўплаб шеър-у достонлар битилган. Ёш шоирнинг масъулиятли мавзуга қўл уриб, муваффақиятга эришиши қувонарли ҳолдир. И. Отамуродовнинг «Кенгликларга бошлагин мени...», «Улуғбекнинг ўлими», «Дўстларим», «Ҳаким нафаси», «Олтинчи қават...» каби қатор шеърлари ҳам ўзининг оригиналлиги, мазмунан теранлиги, ҳаётийлиги билан шеър мухлислари қалбида хуш кайфият уйғотади, уларнинг маънавий оламини бойитади.

Муҳаббат — инсоннинг азалий ва абадий қўшиғидир. Башариятнинг мангу ҳамроҳи бўлган бу мавзуда қалам тебратмаган шоир топилмайди. Зеро, илк севги сеҳри, висол қувончи, ҳижрон изтироблари не-не юракларни ларзага солмаган. И. Отамуродовнинг ҳам майин лиризм билан суғорилган «Сен мендасан...», «Ҳаёлимга сиғиндим», «Мени эслай олмадинг» каби шеърларида ошиқ қалбининг оташин туғёнлари ифода этилади:

Ҳаёлимга сиғиндим
бу кун,
Хотиралар сирларин
айтар.
Ширин қанча кўришмоқ
қайта,
Ҳаёлимга сиғиндим
бу кун...

Қалб кенгликлари... Улар нақадар бепоён, нечоғлик серқирра. Шоир ҳар бир шеърида унинг бирор муҳим нуқтасини кашф этади. Ўзининг қалб зарблари билан сизни ошно қилади. Бу зарб сизнинг қалбингизда ҳам акс-садо берса, шоирнинг эзгу орзулари ушалган бўлади.

Икром Отамуродов ҳозир янги-янги шеърлар устида қунт билан ишламоқда, навбатдаги тўпламларига тартиб бермоқда. Юқорида биз унинг изланишлари, ижодининг баъзи қирралари ҳақидаги ўз кузатишларимиз билан ўртоқлашдик. Камолот сари интилаётган ёш қаламкашнинг номзоди область Ленин комсомоли мукофотига кўрсатилиши унга жуда катта масъулият юклайди. Бу — шарафли масъулият И. Отамуродовни янги ижодий муваффақиятлар сари илҳомлантиришига шак-шубҳа йўқ.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ.

Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли Тунисда бўлиб ўтган XII халқаро санъат фестивалининг лауреати бўлди. Ўзбек рақкосалари жаҳоннинг 20 мамлакатидан келган бадиий коллективлар орасида ўзининг ёркин санъати билан ажралиб турди. Суратда: фестиваль лауреати — «Баҳор» қизлари Тунис пойтахтининг кўчаларида.

Б. Лебедев фотоси. (ТАСС).

АФҒОН БОЛАЛАРИ ҲУЗУРИДА

Бўстонлиқ районининг энг хушманзара жойларида шундоққина Чорвоқ сув омборининг соҳилидаги «Волна», «1-Май», «Гулистон» «Комсомол», «Альпинист» пионер лагерларида шу кунларда областимиз пионерлари билан бирга қўшни Афғонистон Демократик Республикасидан келган болалар ҳам ёз гаштини суришмоқда. Болаларнинг дам олишини кўнгилли ташкил этиш мақсадида бу ерда тез-тез турли тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, яқинда афғон болалари ҳузурига бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши ветеранлари меҳмон бўлиб келдилар.

«Гулистон» лагерида бўлиб ўтган учрашувда Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ильин, собиқ артиллериячи А. Хабибулин, истеъфодаги катта лейтенант А. Ҳўжаев болаларга оловли йилларда совет халқи босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапириб бердилар.

М. МАҲМУТОВ.

БУНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

СУВДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Чўмилиш киши танасига ёқимли ва фойдали таъсир кўрсатади: асаб системасини тинчлантиради, бардам кайфият пайдо қилади. Шунинг учун ҳам областимиз сув ҳавзалари айни кунларда ниҳоятда гавжум. Кўпчилик қуёш, сув ваннасидан самарали фойдаланишмоқда. Айримларнинг эса оддий чўмилиш қоидаларига риоя қилмасликлари хунук оқибатларга олиб келяпти.

Сувнинг оқиш тезлигини ҳисобга олмай, ҳавзанинг чуқурлигини билмай туриб юқоридан сакраш, айниқса, хавфлидир. Бунда киши бўғим боғламларининг узилиши, умуртқа суяғининг синиши ёки шикастланиши мумкин. Бўйин умуртқасининг синиши умрбод ногиронликка олиб келади, кўпинча аянчли воқеа билан тугайди.

К. исмли киши маст ҳолда сув ҳавзасига баландликдан сакраган ва боши билан сув тубидаги тошга урилган. Натижада унинг боши ёрилиб, бўйинининг икки умуртқаси синган. У шифохонага оёқ ва қўллари шол ҳолда олиб келинди.

Сув ҳароратининг кескин ўзгариши ҳам кўпинча кўнгилсизлик келтириб чиқаради. Тоғ дарёларининг ҳаддан ташқари совуқ бўлиши, тез оқиши ва кишининг сувда узоқ бўлиши унда титроқ пайдо қилади, бадан совийди, кўпинча оёқ мускули ва пайи тортишиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда чўмилаётган киши кўпинча сузаолмай қолади.

Сув ҳавзаларида бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, шаҳар ичидан оқиб ўтадиган ариқ ва анҳорларда, сув ҳавзаларида чўмилишда эҳтиёт бўлиш керак. Маълумки, сув ҳавзаларига консерва банкалари, шиша синиқлари ва бошқа ўткир тиғли нарсалар ташланган бўлиши мумкин.

Чўмилиш учун махсус ажратилган жойларда сувга тушиш мумкин. Шунда ҳам ҳаво ҳарорати 30—35 даражадан паст бўлмаслиги, сувнинг иссиқлиги эса 19—20 даража атрофида бўлгани маъқул. Сувга бирдан эмас, аста-секин тушинг. Томир тортишганда ўзингизни йўқотманг. Сув юзасида туришга ҳаракат қилинг. Кунига икки мартадан ортиқ чўмилиш тавсия этилмайди.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Монастирдаги никоҳ». Опера. 12.05 — Мультфильм. 12.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45—«Сухановода ёз». 16.55 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.25 — «Чўққига йўл». Телеочерк. 17.55 — Концерт. 18.25 — «Расмларда қуёш акси бор». 18.40 — «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Руминиянинг миллий байрамига. Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 20.30 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кувноқ болалар». 23.15 — «Спорт ҳафталиги». 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Махсус сон». Бадиий фильм. 10.40 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 11.10 — «Сен қонунни биласанми?». 11.55 — Француз тили. 12.25 — «Ўсмирлар ижоди». 12.50 — Болалар учун фильм. 13.55 — Ҳужжатли фильмлар. 14.35 — Халқ куйлари. 14.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.20 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 15.50 — Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Сув спорти бўйича Европа чемпионати. 19.20 — Киножурнал. 19.30 — «Инсон ва қонун». 20.00—Онамларнинг мактаби. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 —Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 21.15—Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1, 2-сериялар. 23.50 — Концерт.

ЎзТВ-I. 12.35 — «Ёшлик». 13.25 — Концерт. 14.10 — «Камол». 1-фильм. «Луга муодфаа чизиғи». 16.00 — Телефильм. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Хайрлашув гулханлари атрофида». 18.45 — Кинокўрсатув. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Молдавия телевидениеси программасининг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қорақалпоғистоннинг пахта далаларида». 22.25 — «Камол». 2-фильм. «Пулково меридиани». 23.40 — Янгиликлар.

ОЛМАЛИҚ ПИВО ЗАВОДИГА
ачитқи ишлаб чиқариш технологлари
КЕРАК

Шартнома келишувга асосан тузилади.

Мурожаат учун адрес: Олмалиқ шаҳри, Заводская кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 4-48-04, 5-23-17, 5-47-03.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

